

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Тошкент – 2005

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

2005 йил - “Сихат саломатлик йили”

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2005

78.342

Э 45

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

Муҳаррир

Масъул муҳаррир

Матн терувчи

М.Матмурадова

Ҳ.Маматраимова

О.Қиличбоев

З.Жалилова

Э 45

Эл соғлиги – юрт бойлиги: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси, Илмий-методик бўлим; Тузувчи М.Матмурадова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2005.-64 б. – (“2005 йил Сихат-саломатлик йили”).

КБК 78.42+51.1. (5 Ўзб)

2005 йил – “Сихат-саломатлик йили”га бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма сихат-саломатлик, тозалик, покизалик, касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳар хил касалликларни даволаш, овқатланиш маданияти, гиёҳвандлик ва юқумли касалликлар, атроф-муҳит, экология, гиёҳлардан фойдаланиш ҳақида, “Авесто”, “Қуръони Карим”, “Ҳадис”даги ибратли битиклар, мутафаккир ва тиб алломаларимизнинг фикрлари, шунингдек, “Сихат-саломатлик йили”га бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар туркуми ва уларни ўтказиш бўйича методик маслаҳатлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005 й.

МУҚАДДИМА

*Икки буюк неъмат
мавжуд бўлиб, кўпчилик улар-
ни қўлдан бой беради. Бу тан
сихатлик бирлан бўи вақтдир.
Ҳадис*

Ҳар қандай юксак маданиятли жамият энг аввало ўз фуқароларининг фаровон турмуши ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида қайғуради. Айнан мамлакатнинг истиқболи, куч-қудрати кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам истиқлолнинг биринчи кунларидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, соғлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш бўйича умумдавлат миқёсида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Республика Президенти И.Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони мамлакат соғлигини сақлашнинг узоқ йилларга мўлжалланган режаларини белгилаб берган ҳужжатлардир. Давлат даражасида қабул қилинган бу каби ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларни, амалий-маънавий ҳамда моддий тадбир ва ёрдамларни кўплаб санаш мумкин.

Мана неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли номи билан кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан “2005 йил – Сихат-саломатлик йили” деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сихат-саломатлик йили” давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида

“Одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жихатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш, ҳаётга, ўз сихат-саломатлигига худди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган меъёр бўлиб қолиши ва болалиқдан, шахсининг камол топа бошлаши давриданоқ сингдирилиши лозим” деган сўзлар бежиз тилга олинмаган. Бундан ташқари Фармойишда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича олиб борилаётган тадбирларни давом эттириш, гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликларнинг тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, нафақахўр ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Конституциямизнинг 40, 50 ва 100 моддаларида, Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикасининг қарор ва фармонларида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқлари ҳамда манфатлари қонун йўли билан юксак даражада кафолатланган.

“Сихат-саломатлик йили” давлат дастурининг асосий вазифалари ва йўналишлари одамлар учун бебаҳо бойлик ўз соғлигини асрашга масъулиятли муносабатда бўлиши, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаётини оқилона ташкил этиши, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жихатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантиришдир.

Буюк қомусий олимлар, мутафаккир ва тиббиёт алломалари, олимларимиз, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган халқ оммасининг тиббий маданиятини оширишга, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, соғлом-турмуш тарзини қарор топтириш, халқ саломатлигини тиклаш, профилактика ва атроф-муҳит мусаффолигига эътиборни кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш масалаларига, бебаҳо неъмат-шифобахш ўсимликлар ва гиёҳлар, асаб, юрак, буйрак, ўпка ва ички хасталикларини даволаш, “аср хасталиги” деб ном олган саратон, СПИД ҳамда бошқа хавфли юқумли касалликларга қарши даволанишга доир бир қатор рисоалар кутубхоналар фондидан ўрин олган.

Шунингдек, сиҳат-саломатлик, тозалик-озодалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа зарарли иллатлардан ўзларини эҳтиёт қилишлари, ёмон иллатларнинг ирсиятга, охир-оқибат ёш авлод камолотига салбий таъсир қилиши хусусидаги мақолалар ҳам чоп этилган. Вақтли матбуот саҳифаларида шифокорларга бағишлаб ёзилган шеърлар, ривоятлар, ҳикоялар, очерклар ҳам бериб борилмоқда. Мавжуд рисоалар ва мақолалар кутубхона каталог ва картотекаларида акс эттирилган.

Кутубхоналарнинг вазифаси сиҳат-саломатлик, касалликларни даволаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ғоялари акс этган бадиий, тарихий, тиббий, миллий урф-одат ва қадриятлар, панд-насиҳат, доноларимиз ўғитларига оид асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар тарғиботнинг китоб тақдими, илмий-амалий семинар, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, учрашув ва савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, китоб кўргазмаси ва обзор сингари турли-туман шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини китобхонларга тушунарли шаклда етказиб бера оладиган тиббиёт ходимларини, шифокорлар, тарихчилар, файласуфлар, доришунослар, адабиётшунослар, диншунослар, ҳуқуқшунослар, саломатлик марказининг ходимларини жалб қилиш мумкин.

Кутубхоналарга “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари, “Санитария-эпидемиология станцияси”, “Экология ва аҳоли саломатлиги” бўлими, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Истеъдод”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Оила тиббиёт маркази”, “Ногиронлар”, “Саломатлик маркази”, “Раҳм-шафқат”, “Соғломлаштириш ва спорт”, “Кўзи ожизлар”, “Кар-соқовлар”, “Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой” жамиятлари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ибн Сино” халқаро жамғармаси, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу методик-библиографик қўлланманинг мақсади сихат-саломатлик тўғрисидаги маълумотларни, ахборот материалларини китобхонларга етказиш, тарғиб қилишда кутубхона ходимларига ёрдам беришдир. Қўлланмада “Сихат-саломатлик йили”га бағишланган тадбирларни ўтказишда китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Табобат-тиббиёт тарихи ва бугунига бир назар

*Мен биладиган
бирдан-бир гўзаллик тан
сиҳатликдир.*

Г.Гейне

Тиббиёт илмининг пайдо бўлиши жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Тош деворлардаги қадимги сувратларнинг гувоҳлик беришича, ҳатто тош асрида ҳам хасталанган кишиларни даволовчи табиблар бўлган.

Табиблик арабча сўздан олинган бўлиб, даволаш ва даво маъносини англатувчи тушунча. Табиблар эса замонасининг ўқимишли ва тиббиётда маълум тажрибага эга шахслар бўлган. Табиблик терминини табибизм (европалик врачлар табибликни шундай деб аташган), яъни “саводсиз”, оми маъносини англатувчи тушунчадан фарқ қилиш керак. Ўқимишли табибларни халқ ҳақим деб атаган.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг соғлом ҳаёти ва турмуш даражаси фан ва маданият ҳамда кадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос табобат, табиблик, орасталик, тозалик, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш, ҳамда муҳофаза қилиш, шифобахш дарахтларни экиш ва парвариш қилиш каби улуғ ғоялар бўлган.

Жумладан, қулдорлик жамияти давридаги табобат ҳақида Гиппократ (Букрот), Гален (Жолинуc) асарлари орқали етарли даражада тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Кўхна Шарқ инсоният тиббиёт қарашларининг ҳам қадимий ўчоғи ҳисобланади. Туркий ва форсий тилларда сўзлашувчи халқларнинг оғзаки ижоди ҳамда “Авесто”даги далиллар буни аниқ тасдиқлайди. Асарнинг барча қисмларида, хусусан “Вендидод”да табиблар тайёрлаш, уларнинг бурчи ҳамда вазифалари, табобат амалиёти, касаллар

таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаби ва омиллари, беморларни даволаш усуллари, муолажада энг оммавий-фаол усуллар, доривор ўсимликлар, уларнинг таснифи, ноёб доривор гиёҳлар ҳақида анча қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, уй-жой, атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, тоза тутиш, шахсий гигиенанинг турли жиҳатлари ҳақида ҳамон ўз қимматини йўқотмаган маслаҳатлар, тавсиялар кўп.

“Вендидод”да ўлим, қўққисидан пайдо бўладиган дард, иситма, безгак, бош мия оғриғи, ожан, ажху, илон чаққан, дурук, хафакон, кўз тегиш, руҳият марази, пўсидаги ва гандидаги қуйидаги касалликларнинг номи санаб ўтилади ва уларнинг пайдо бўлиш манбалари ҳақида фикр юритилади. Буларнинг кўпчилиги тозалikka риоя қилмаслик, бепарволик натижасида пайдо бўлса, “Пўсидаги” (гангрена) ҳамда гандидаги (ўсма) касалликларини “Аҳриман ер юзида инсон уруғини қуритиш ниятида атайлаб пайдо қилган” дейилади. Шундан сўнг бундай дардга йўлиққан беморларни даволаш усуллари бунда табиб масъулияти алоҳида уқтирилган. Эрамиздан олдинги VII асрнинг охирида аждоқларимиз табобат соҳасида қуйидаги даволаш усуллари қўллашган: Оташкадалар ҳузурида махсус дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона)лар ташкил қилиниб, бу соҳа давлат тасарруфига олиниб, сарфу харажатлар вақф мулки ҳисобидан қопланадиган, назорат остида бўлган шубҳасиз, даволаш йўллари такомиллашиб борган: “Айрим табиблар беморларни оша-яхши руҳ илоҳий кучни даъват этиш кўмагида даволашса, баъзилари ўз илми кучи билан муолажа қилади, бошқа бир гуруҳ табиблар тиғ билан касални тузатишга уста, яна бир тоифалар ҳар хил дардларни турли-туман гиёҳлардан тайёрланган малҳамлар воситасида даволайдилар, бир гуруҳ табиблар эса беморни ҳар хил шарбатлар воситасида оёққа турғизадилар. Энг яхши табиб-

лар, баржуванди маншаро-дуо “Ўқиш усул” да даволайдилар, дейилади.

“Авесто” да аждодларимизнинг қадимги тиббий ва тозалик ҳақидаги қарашлари мужассамлашган. Маълумотларга қараганда Александр Македонский Эрон, Мовароуннахрни забт этгач, “Авесто” нинг энг мукамал, нодир нусхасини Элладага элтиб, тарих, математика, астрономия, жуғрофия, тиббиётга доир қисмларини грекчага таржима қилдириб, аслини ёқдириб юборган. Авестошунослар асарнинг кўҳна нусхасида табиб қасамёдининг матни, жомга заҳар тўкаётган илон нақши бўлганлигини уқтирадилар. Гиппократ қасамёди, деб келинган врач қасамёди, табобат рамзи ҳам асли ўзимиздан чиққан. Ушбу қадимий маънавият сарчашмасидаги тиббиётга доир қарашларни ҳар томонлама ўрганиш фанимиз тарихи учун ҳам, ҳозирги табобатимиз учун ҳам кони фойдадир. Айниқса, уй-рўзғор озодалиги, атроф-муҳит покизалиги, табиатни муҳофаза қилиш хусусидаги фикрлар ҳамон долзарбдир.

Ислом динида “Қуръон” ва “Ҳадис” унинг ғояларини мужассам этган муқаддас манбалар ҳисобланади. Уларда одамларни ягона Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга эътиқод қилишга чорлаш билан бир қаторда уй-рўзғор озодалиги, атроф-муҳит покизалиги, табиатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлиги учун овқатланиш қоидалари, мавжуд борлиқни тоза сақлаш, гиёҳвандлик, чекишдан, ичкиликдан сақланиш, ҳаром нарсалардан сақланиш, покиза ва тоза юриш, доимо меҳнат билан шуғулланиш, ҳар хил юқумли касалликлардан сақланишга даъват этувчи ғоялар тарғиб этилади.

Феодализм даврида эса кўпгина бошқа фанлар қатори табобат ҳам Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез суратлар билан ривожлана бошлади.

Жумладан, тиббиёт, доришунослик кабилар ривож топди.

IX – XI асрларга келиб қатор буюк олимлар етишиб чикдики, уларнинг асарлари табобат фанининг кейинги кўп асрлик тараққиётига асос солди. Райлик Абу Бакир Розий (865–925) ва буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино (980–1037) шулар жумласидандир.

Ўз-ўзидан равшанки, биздаги табобатчилик тарихи Ибн Сино ёки Розий билангина чекланмайди. Шарқ табобати қадимги тарихга эга, уни умумлаштириб жаҳонга ёйган аллома Абу Али ибн Синодир. Айниқса, олимнинг “Тиб қонунлари” асари кўпгина асарларнинг дунёга келишига туртки бўлди. Асрлар давомида йирик донишманд табиблар бу китобга шарҳлар ёздилар, унга тақлид қилиб ўз она тилларида асарлар яратдилар.

Соҳибқирон Амир Темур даврида фан, маданият, санъат ва адабиёт юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам ривожланади. Мамлакатда касалхоналар, дорихоналар, кутубхоналар барпо этилди. Мадрасаларда бошқа билимлар қатори тиббий билимлар ҳам ўқитила бошланди.

Амир Темур даврида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда билимли ва тажрибали табиблар ишлаганлар. Жумладан, Самарқандда “Дор уш-шифо” номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиби Мир Саййид Шариф Шерозий (1330–1414) раҳбарлик қилган. Бу табиб асли журжонлик бўлиб, Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб, шу касалхонага бошчилик қилган. Шу даврда йирик табиблардан Ҳисомиддин Иброҳим Кирмоний, Мавлоно Файзуллоҳ, Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар яшаб ижод этганлар.

Соҳибқирон Амир Темур аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишига қарши шаҳарларни ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларни озода сақлаш, халқни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, сувни тоза сақлаш учун усти ёпиқ сув қувурлари қурдирган. Озодаликка риоя қилмаган ва кўча-куйларга ахлат ташлаб,

ифлос қилган кишиларни жазолаган. Шаҳарлар ўртасидаги йўлларда сардобалар барпо эттирган. Шунингдек, халқининг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширган.

Бундай юксалиш, айниқса, Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Кўрағоний) замонасида ҳам давом этди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб масжидлар, ҳаммомлар, карвон саройлар, йўллар, шифохоналар қурдирди. Булар ичида энг машҳури 1414–1428 йиллари Самарқанд яқинидаги Оби-Раҳмат ёқасида қурилган расадхонадир.

Улуғбек даврида илм-фаннинг юксалиши табобатга эътибор кучайишига, машҳур табиблар етишишига имкон яратди. Бу анъана темурийлар сулоласининг яна бир вакили – Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда ҳам давом этди. Маиший бинолар қаторида касалхоналар, тиббий мактаблар, кутубхоналар қурилди. Бу ҳайрли ва савобли ишларда Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазирлик лавозимини эгаллаган буюк шоир ва давлат арбоби – Алишер Навоийнинг улуши катта.

Мавжуд тарихий манбаларга кўра Навоий ташаббуси билан мамлакатда 300 дан ортиқ турли маданий-маиший бинолар, шифохоналар, дорихоналар, тиббий мактаблар барпо этилган. Касалхоналарда тажрибали табиблар беморларни даволаганлар. Шулардан бири Неъматиллох ибн Фахриддин Муборакшоҳ Ҳаким Кирмоний бўлиб, у Ҳусайн Бойқаронинг шахсий табиби эди. У фақат табиб эмас, шу билан бирга чуқур билимли файласуф, олим ва шоир эди.

Навоий ўзи табиб бўлмаса ҳам ўтмишда буюк табибларнинг асарларини севиб ўқиган, улар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Унинг шахсий кутубхонасида Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий ва бошқа табиб-

ларнинг китоблари бўлган. Навоий ибн Синога жуда юксак баҳо берган. Уни ақл-идрок ва тафаккур рамзи деб атаган.

Навоийнинг табиблар ва тиббиёт ҳақидаги фикрлари асосан унинг машҳур асари “Маҳбуб ул-қулуб”да баён этилган. Бу асарда Навоий тиббиёт баёнига махсус бир фасл (15) бағишлайди. Ушбу асар Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган бўлиб, узоқ йиллар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари маҳсулидир. Асарнинг асосий ғояси инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, яхшилик ва халқ фаровонлиги ҳақида қайғуришдир. Ана шу сабабли, китобнинг табиблар ҳақидаги фасли унда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Навоий бу фаслни баён этишга киришар экан, аввало табибнинг ўзи қандай киши бўлиши, у қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида тўхталади. Навоийнинг таъкидлашича, табиб, “ўз фанининг мохир билимдони бўлиши керак. У донишмандлар сўзига амал қилиб, уларга эргашмоғи лозим, мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфеъл бўлмоғи керак”.

Навоий кўрсатмаси ва иштироки билан Хуросонда барпо этилган “Шифойи” уйи ва “Ихлосия” мадрасасининг шухрати ўша вақтда бутун Шарқ давлатларига ёйилган эди. Бу ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб табиблар келиб, билим олишган ва мутахассис бўлиб, ўз юртларига қайтишган. Беморларни даволаш ва тиббий мактабда дарс бериш учун Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларидан энг тажрибали табиблар таклиф этилган. Уларга етарлича маош тайинлаб, ишлашлари учун ҳамма шароитни яратиб берган.

Даволаш уйи ёнида “Кавсар мисол” ҳовуз бўлган. Энг қизиғи у ерда беморлар учун дори-дармонлар, таомлар муҳайё бўлган. Узоқдан келганлар бепул даволанганлар.

Абу Бакир ар-Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган “Касалликлар тарихи” номли китобида шундай дейилади. “Адуд ад-Давла ўз номига атаб қурдирган касалхона

битгандан кейин, унда энг яхши табиблар ва олимлардан иборат бир жамоат ишлаши керак деб, Бағдоддан машхур табибларни сўратади. Ҳисоблаб чиқилганда уларнинг сони 100 дан ортиб кетади. Адуд ад-Давла орасидан табобат илмидаги маҳорати ва қобилиятига қараб, 50 тага яқинини танлайди. Розий ҳам шулар орасида бор эди. Кейин 10 тасидан учтасини танлашди. Розий шу уч кишининг бири эди, сўнг учтасидан бирини тайнлайди. Розий уларнинг энг афзали бўлиб чиқади ва уни Адуд ўз касалхонасига ҳаким қилиб тайинлайди.

Дорушшифодаги табиблар ҳақида Навоий тарбияси билан камолга етган машхур тарихчи, кўпгина тарихий асарларнинг муаллифи мазкур шифохона ва унинг табибларини, ўз кўзи билан кўрган Хондамир “Хулосат ул-ахбор” (“Хабарларнинг хулосаси”) номли китобида ёзиб қолдирган.

Дорушшифода хизмат қилган табибларнинг ҳар бири тўғрисида тўла маълумот бериб, уларни Ҳизр қадамли ҳакимлар, Исо нафаслик табиблар деб ёзади. Шулардан бири Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад табибдир. У табиб бўлибгина қолмай, ажойиб шоир ҳам бўлган. Ғиёсиддин Муҳаммад шифохонада дарс бериш билангина чекланмай, беморларни даволаб, тиббий асарлар ҳам ёзган.

Мавлоно Дарвеш Али табиб – деб ёзади Хондамир ўз китобида, - чиройли сифат, ёқимли хислат, ширин сўз, хушфеъл, табиатининг поклиги ва дилни тортиши билан замон табибларининг энг зўридир.

Ҳирот тиббий мактабида таълим олган XVI аср табобати ривожланишига шубҳасиз таъсир кўрсатганлардан бири Юсуфий Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравийдир. Юсуфий XVI асрнинг кўзга кўринган олими ва шоири ва табибларидан бўлган. XVI асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган табиблар ичида энг сермаҳсули Юсуфийдир. Ундан жами 21 асар етиб келган. Айниқса, “Тибби Юсуфий” (“Юсуфий табобати”) асари унга

шуҳрат келтиради. Юсуфийнинг доврўғи кенг ёйилиб Афғонистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан танишишига сабаб бўлади. Бобур Ҳиндистонни эгаллагандан кейин хат йўллаб, уни олдига чақириб олади. Навоий асос солган Дорушшифода таҳсил кўрган Юсуфий Бобурнинг таклифи билан Ҳиндистонга бориб, унинг хос табиби сифатида ишлаган. Бобурдан сўнг унинг ўғли Ҳумоюннинг муншийси вазифасини бажарган.

“Бобурнома” тили билан айтганда Юсуфий томир кўриш ва ташхис қилишда тенги йўқ олим бўлган.

XVI аср бошида Европадан Ҳиротга тарқалган захм касаллигини биринчи бўлиб тадқиқ этиб, унга қарши дори-дармонлар ишлаб чиққанлардан биринчиси ҳам Юсуфий эди.

Бобур 1530 йилда касал бўлиб қолганда Юсуфий унга атаб “Соғлиқни сақлаш ҳақида қасида” рисоласини ёзади.

Аждодларимиз томонидан яратилган хазинада уларнинг табобат илмига оид мерослари ҳам алоҳида ўрин тутди. Характерли томони шундаки, халқимиз орасидан етишиб чиққан алломалар табобат, касалликлар, уларни даволаш ҳақидаги фикрларини ўқувчи онгига еказишда сўз санъатининг шеърӣ усулидан кўп ўринларда фойдаланганлар. Ўз фикрларини шеър тарзда ифодалаш асрлар давомида силлиқланган, пухталанган, қатъӣ одат тусига кирган ўзига хос анъанавӣ андоза бўлиб, муаллифнинг сўз танлай билиши ва ишлатиши, бадий тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати ҳар хил фанлар қатори илмнинг тил, адабиёт ва табобат масалаларидан баҳс этувчи турларини билишини намоӣш этиш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланган. Шарқ халқлари тарихида Абу Бисҳокнинг “Канз ал-иштаҳо” (“Иштаҳалар хазинаси”), “Асрори чангол” (“Чангол сирлари”) асарлари, Юсуфийнинг “Рисолаи маъкул ва машруб” (“Ейиладиган ва ичиладиган нарсалар ҳақида

рисола”), “Илож ал-амроз” (“Касалликлар давоси”), “Жомиъ ал-фавойид” (“Фойдалар мажмуаси”), Мир Муҳаммад Ҳусайн ал-Оқилийнинг “Маҳзан ал-адвиййа” (“Давола хазинаси”) асарлари таъбаат илмида қимматли манбалар ҳисобланади. Маждиддин Хавофийнинг “Хористон”, Ҳаким Қоонийнинг “Паришон”, Абдулҳақ ибн Сайфиддиннинг “Одоб ас-салоҳин” (“Олижаноб кишиларнинг одоби”), Ибн Камол-пошшонинг “Нигористон”, Қаюм Носирийнинг “Фавоких ал-жуласо” (“Дўст боғининг мевалари”), Бархурдон ибн Маҳмуд Туркман Фарохийнинг “Маҳбуб ал-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асарларида соғлиқни сақлашга оид маслаҳатлар, насиҳатлар, ривоятлар ва ҳикоятлар баён қилинса, Муҳаммад ибн Шайхмуҳаммад ал-Жомийнинг “Риёз ан-носихин” (“Насиҳатчилар бўстони”) асарида овқатланиш қоидалари, Муҳаммад Солиҳ ибн Қутлукбийнинг “Рисолаи Ҳикмат” (“Ҳикмат рисоласи”) китобида давола ҳақида маълумотлар берилган. Султон Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Маҳмуднинг “Одоб ал-музийфин ва зод алокитийн” (“Зиёфат одоби ва меҳмонлар емиши”) асарида таом ейишга оид фикрлар айтилса, Ҳофиз Калон ибн Бадриддиннинг “Хулосот ал-хукамо” (Ҳакимлар хулосаси), “Мажмуаи тиб” (Тиббий тўплам) китобларида саломатликка доир ривоятлар келтирилган.

XIV-XV асрларда тиббиёт илми ҳам ўзининг йирик намояндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган таъбаат илмининг йирик вакилларида Бурҳониддин Нафис ибн Эваз ҳаким ал-Кирмоний, Султон Али табиб Хуросоний, табиб Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XVI асрга оид маълумотларда Самарқандда табиблар, кўз табиблари, шикастабандларнинг муолажа ишлари билан шуғулланганлари ҳақида фикрлар келтирилади. Жумладан, кўз табиби Шоҳ Али ибн Сулаймон ўш даврда Наврўз Аҳмадхон ҳузуринда ишлаган. Кучкунжихон замонида Самарқандда “хуросонлик табиб” Султон Али фаолият

олиб борган. У касалликлар ҳақида умумий маълумот берувчи “Табиблик дастуриламали”ни ёзган. Йирик шаҳарда шифохоналар-дорущифолар бўлган. XVI асрда бир неча марта ўлат рўй бериб, асосан камбағал-қашшок аҳоли ҳалок бўлган.

XVII асрда Субҳонқулихон даврида Бухорода дорущифо деб аталувчи махсус шифохона қурилган. Унда беморлар даволанган, тиббий тадқиқотлар олиб борилган, бу ерда махсус тиббиётга оид кутубхона ҳам бўлган.

Турон заминида турли замонларда тахт соҳиби бўлган шоҳлар, хонлар, подшоҳлар, султону-амирларнинг кўпчилиги фақат салтанат юмушлари, юрт сўрови билан чекланиб қолмасдан, иқтидорига кўра ўзлари севган касб, илм, санъат билан шуғулланганлар.

Йигирма йил давомида, яъни 1644 – 1664 йилларда Хива тахтини сўраган Абулғозий Баҳодирхон ана шундай иқтидорли шахс эди. У ватан тарихига нафақат бунёдкор, адлу инсофли хон, балки муаррих, адиб, шоир, ўз замонасининг энг илғор, етук сиймоси сифатида кирди. Унинг яна бир қизиқиши – табибчилик бўлиб, у зот шу соҳада мукамал рисола ҳам ёзган. Абулғозийхон Хиванинг биринчи табиби номи билан ҳам машҳур. У хонлик даврида тиббиёт билан чуқур шуғулланган, ўзигача мавжуд бўлган тиббий рисола, асарларни тадқиқ этгани, жаҳон тиббиёти тарихидан хабардор бўлган, эгаллаган билимини ҳаётга қўлагани маълум. Ана шу изланишлари, амалий фаолиятининг натижаси бўлган “Манофё ул-инсон” (“Инсон учун фойдали тадбирлар”) рисоласи катта аҳамиятга эга.

“Манофё ул-инсон” доривор ўсимликлар ва уларни тайёрлашга бағишланган бўлиб, тўрт қисм, бир юз беш бўлимдан иборат. Рисоланинг ҳам ўзбекча, ҳам форсча матнлари мавжуд. Абулғозий Баҳодирхон ҳар икки тилда ҳам мукамал ёза олган шахс эди.

Асарнинг биринчи қисмида якка ва мураккаб ҳолда тайёрлаб, ишлатиладиган дорилар ҳақида маълумот беради. Иккинчи қисмида эса турли касалликларга даво бўладиган мураккаб дорилар, учинчи қисмида хасталикларда қўлланиладиган умумий дорилар хусусида сўз юритилади. Тўртинчи қисмида эса ўзидан олдин яшаб ўтган таниқли олимлар, табиблар, донишмандларнинг фикр-мулоҳазалари, ҳикматли сўзлари келтирилади.

Муаллиф рисоласида мукамал таърифлаб берилган умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ бўғинларида туз йиғилиши хасталиклари (остеохондроз)ни даволашда туз, асал ва қизил қалампирдан фойдаланиш усуллари ҳамон ўзгармаган.

Абулғозий хонлик даврида илм билан шуғулланиб, рисола битиш, тажрибалар ўтказиш билан машғул бўлмасдан, касалликларнинг олдини олиш учун юрт ободончилиги, озодалик ва овқатланиш каби масалаларга ҳам давлат сиёсати сифатида эътибор қаратган.

Ўша даврда Хива бозорларида халқ табобатчилари доривор гиёҳлар, дориларни сотиш, тайёрлашга кенг имконият яратиб берган. Ўзи эса бевосита сарой табиблари ва бошқа кент ва қишлоқларда фаолият кўрсатаётган ҳаким ва табибларнинг эркин ишлашлари, айти пайтда алдамчи, инсофсизлик қилмасликларини назорат қилиб борган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг баъзи илғор фикрли арбоблари тиббий амалий соҳиби ҳам бўлганлар. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида замонавий тарздаги илк даволаш муассасалари XIX асрнинг II ярмида вужудга кела бошлади. Масалан, 1868 йилда Тошкентда ҳарбий лазарет ташкил этилди, орадан икки йил ўтгач, у госпиталга айлантирилди. Маълумотларда кўрсатилишича, ҳарбий лазаретлар кейинчалик бошқа шаҳарларда ҳам

очилган. Жумладан, 20 ўринли шундай касалхона 1872 йили Самарқандда ташкил этилган.

Туронзаминда биринчи дорихона 1874 йили очилган. Лазаретлар ва бемор қабул қилиш бўлимлари, аксарият ҳолларда, ҳарбий қисмларда тузилиб, асосан ҳарбийларга, амалдорлар ва уларнинг оилаларига хизмат кўрсатган.

1873 йилда Хива хонлигини истило қилган чор Россияси Амударёнинг ўнг қирғоғини бутунлай хонликдан тортиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигига бўйсунувчи бўлимга айлантиради. Шу бўлим маркази Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳрида русларнинг кучли гарнизони доимий ўрнаштирилади. Гарнизонга хизмат кўрсатувчи ҳарбий госпитал маҳаллий аҳолига пуллик тиббий ёрдам кўрсатишни ҳам йўлга қўяди.

Хива хонлигида эса биринчи шундай мослашган тиббий хизмат маскани – фельдшерлик-амбулатория пункти Ферузшоҳ хонлик даврида, яъни 1891 йилда ташкил қилинади. Бунгача фақат сарой аёнлари, хоннинг яқинларини даволаш учун 1882-1884 йиллар ичида хонлик саройида рус врачлари Кирвелло, Колпонов, Колосовскийларнинг ишлаганлари маълум.

Бухоро амирлиги ҳудудида эса иккита касалхона бўлиб, бири 1891 йили Эски Бухорода, иккинчиси 1912 йили Янги Бухорода очилган. Аммо улар, асосан, оврупаликларга хизмат кўрсатган.

Ўлкада фаолият олиб бораётган бир гуруҳ оврупалик шифокорлар 1882 йил октябрда “маҳаллий миллий аёллари” учун Тошкентда шифохона очишга рухсат беришини сўраб генерал-губернаторга мурожаат қилишди. Бундай шифохоналар Тошкентдан кейин Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон ва Хўжандда ҳам очилган. Ана шу тиббий муассасалар аҳолининг маблағи ҳисобига иш олиб борар эди.

Ярим асрлик мустамлакачилик даврида ҳозирги Ўзбекистон худудида атиги 65 та амбулатория, ҳар бири 10-15 ўринли 64 та мўъжазгина касалхона ташкил этилиб, уларда 102 шифокор, 234 нафар ўрта тиббий ходим, 171 ҳамшира ва 63 доя, 39 тиш касалликлари шифокори, 80 доришунос фаолият олиб борган. Ўлкадаги 33 та дорихонадан 30 таси хусусий эди.

Мамлакатимизда касалхона, поликлиника ва амбулаториялар, аёллар консультациялари, диспансерлар, илмий, санитария-профилактика муассасалари, санаторий-курортлар, ташхис марказлари, болалар ва бошқа тиббий муассасаларнинг кенг тармоғи мавжуд. Санитария-эпидемиология хизмати мамлакатнинг санитария ҳолати устидан назорат ўрнатиб, юқумли ва бошқа касалликларнинг мунтазам камайиб боришини таъминлайди, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларини саноат ҳамда турмуш чиқиндилари билан ифлосланишдан асрайди.

Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати ҳам инсонпарварлик мазмуни билан боғланган. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, бу жамиятдаги носоғломликни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” дастурининг илгари сурилганлиги инсонпарварликка қаратилган катта ташаббусдир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан ажралиб туради. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай ёзади: “Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, имон, мардлик, тантилик, бағри кенглик каби улуғ хислатлар бу муборак хужжатда муносиб ўрин олган”. Ушбу тарихий хужжатда инсонпарварлик ўз ифодасини тўла топган. Жумладан 40-моддада “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга” дейилган.

Мустақиллигимиз шарофати, республика ҳукумати-нинг, шахсан ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг миллий тиббиётимизнинг равнақи, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишини сифат жиҳатдан яхшилаш, халқ саломатлигини муҳофазалаш ва тиклаш ҳақидаги ғамхўрликлари туфайли тизимда ислоҳатлар ўтказилиб, хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозалари даражасидаги самарали усуллар жорий этилмоқда.

Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданок “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (1992), “Саломатлигига кўра ёки ёши етганлиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан раҳбар ходимларни моддий ва маиший жиҳатдан таъминлаш масалаларига қарорларни бекор қилиш тўғрисида” (1992), “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисида (1993), “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қаршли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” (1993), “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида” (1998), “Ибн Сино” халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” (1999), “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” (2003), “Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида” (2003) ги Қарор ва фармонларнинг мазмуни ва моҳияти халқ саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш ҳақидаги ғамхўрликларининг намоён бўлишидан иборатдир.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 71 минг 623 нафар шифокор халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг 11 минг 261 нафари олий, 21 минг 1003 нафари биринчи тоифали шифокорлардир.

Тизимда фаолият кўрсатаётган 256 минг 183 нафар ўрта тиббий ходими –ҳамшираларнинг 39 минг 144 нафари

олий, 50 минг 678 нафари биринчи тоифали хамширалардир.

Республика соғлиқни сақлаш тизимида 986 та даволаш-профилактика муассасаси, 2464 та КВП, 2794 та амбулатор-поликлиника, 406 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2489 та фельдшер-акушерлик пункти ишлаб турибди.

Президентимиз ислом Каримов томонидан 1997 йили “Инсон манфаатлари” 1998 йилни “Оила”, 1999 йилни “Аёллар”, 2000 йилни “Соғлом авлод”, 2001 йилни “Оналар ва болалар”, 2002 йилни “Қарияларни қадрлаш”, 2003 йилни “Обод маҳалла”, 2004 йилни “Меҳр ва мурувват”, 2005 йилни “Сиҳат-саломатлик” йили деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

“Сиҳат-саломатлик йили”нинг тарихий асослари, қадимги дунё ва ўрта асрлар табобати илгари сурган ғоя ва тақлифлари, асосан турмуш тарзини соғломлаштириш ибрати, тўғри овқатланиш, ҳаракатли турмуш ва бадантарбия, зарарли одатлардан тийилиш, соғлом оила, муомала маданияти, атроф-муҳит ва экология, ичкилик ва гиёҳвандликнинг зарарли эканлигини мазмуни ва моҳияти, юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва унга қарши кураш воситаларини турмуш тарзимизга кириб боришдан сақлаш, табобатнинг миллий меросидаги моҳияти, уни турмуш тарзимизга яна ҳам чуқурроқ кириб бориши тажрибаларидан фойдаланишимиз лозимдир.

Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатиб, фан-техника, савдо-сотик, тиббиёт ва бошқа соҳаларда борди-келди, тажриба алмашиш, ўқиш ҳамда мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам илмий-техникавий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга етиб олиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистонда қанчадан-қанча давлатларнинг

элчихоналари очилди, ўнлаб давлатлар билан ҳамкорликда кўшма корхоналар ишлаб турибди.

Жумладан, Ўзбекистонда замонавий тиббиётнинг ривожланиши учун ҳам катта имкониятлар вужудга келди. Масалан, Америка Кўшма Штатларининг “Иллинойс университети”, Миср Араб Республикасининг “Эл Мансурий университети”, Испаниянинг “Гранада университети”, Финляндиянинг Або Академияси, Ноу-Хау фонди бўйича Буюк Британиянинг “Империял коллежи” ва бошқалар билан дўстона алоқалар ўрнатилиб, тажриба алмашишлар йўлга қўйилган.

Юқорида қилинаётган барча ишлар инсон саломатлигини сақлаш, янги билимлар билан соғлом авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Покизалик, тозалик, соғлиқ- саломатлик ҳақида

“Авесто”дан:

Шундай қилгинки ҳамма касалликлар бир йўла нобуд бўлсин: ажални йўқот, жинлар вужудга келтирган барча беморликларни нобуд қил.

* * *

Табиблик касбини эгаллаган маздопараст яхшиси ўз салиқаси ва чапдастлигини девпарастларда синаб кўргани маъқул. Агар уч дафагача девпараст жарроҳ тигидан омон қолмаса, ундай одам бу касбдан воз кечмоғи лозим. Уни одамлар муолажасига яқинлаштирмаслик керак. У уч гал ҳам девпарастни пичоқ билан муваффақиятли даволай олса, у тақдирда табиблигини давом эттириши, маздопарастларни ҳам тиг билан даволаш мумкин.

Ҳадисдан:

Бир жойда вабо касали бор деб эшитсаларинг, ўша жойга кирманглар. Агар сизлар яшаётган жойга вабо келса, ўша ердан қочиб чиқиб кетманглар.

* * *

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.

* * *

Ўз мақомидан сўзлаб, фурсатни ғанимат билган, ўринсиз сўздан сақланиб саломат юрган кишига Тангри раҳму шафқат қилади.

* * *

Сафар қилинглар, соғлом бўласизлар.

* * *

Сафар қилинглар, соғлом ва ризку насибали бўласизлар.

* * *

Мўминнинг ўлимидан сўнг ҳам (унинг фойдасига) ёзилиб турадиган амаллар: тарқатган илми, қобил фарзанди, мерос қолдирган Қуръони, қурган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлик ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир.

Ўзбек халқ мақолларидан:

Бир кунлик иситма

Қирқ кунлик кучни олар.

* * *

Бойликнинг боши – соғлиқ.

* * *

Бола соғлиги – она бойлиги.

* * *

Касал – битта, давоси – мингта.

* * *

Касални яширсанг,

Иситмаси ошқора қилар.

* * *

Оч бўл, яланғоч бўл, саломат бўл.

* * *

Саломатлик – туман бойлик.

* * *

Соврин – зўрники, соғлик – кўпники.

* * *

Соғликда хўрлик йўқ.

* * *

Соғ ақл – бол ақл.

* * *

Соғ танда – соғлом ақл.

* * *

Соғ юрак – тоғ юрак.

* * *

Соғлик – умринг гарови.

* * *

Тан саломати – жон роҳати.

Донолар бисотидан:

Уч нарса инсонга саодат келтиради. Сиҳат-саломатлик, тинч, фароғатли турмуш ва ишқ-муҳаббат.

* * *

Уч неъмат қадрига у тоифа одам етади: ёшлик қадрига - кексалар, саломатлик қадрига - беморлар, хотиржамлик қадрига - ғам-ташвишли кишилар.

“Аталар сўзлари”дан:

Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

* * *

Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.

* * *

Саломатликни сақлаш ҳамда ҳар турли касалликларнинг олдини олишда бадантарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

* * *

Баданингнинг сенда ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни ўз вақтида адо қилишинг лозим. Бу ҳақ шуки, соғлиқни сақлаш қонунларига тўла амал қиласан, озодалик ва покизалик шартларини жойига қўясан, ўтиришда, юришда, туришда, уйқуда, еб-ичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қоидага амал қиласан. Шунда табибга эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

Алломалардан:

Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи, соғлиқ ва хасталик жиҳатлари ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сақланади ва йўқотилгани тикланади.

Абу Али ибн Сино

Керак бўлса обрў оламда,
Яхши ахлоқ бўлсин одамда.
Бор экан ёшлигу соғлиқ, мусаффо,
Ҳар мақсад жиловни қўлда мухайё.

Носир Хисрав

Жумла дунё неъматини соғлиққа тенг келмас,
Буни сўра бемордан, исботланар бир онда.
Ҳаётингда юз берса нодурустлик бирор иш,
Дуруст бўлдими, демак дил оғрита жаҳонда.

Абдулмажид Санойӣ

Ҳоҳласанг дардингга топмоқни дармон,
Табибдан дардингни айлама пинҳон.

Низмоий Ганжавий

Нечук хароб бўлсин бемору беҳол,
Табобат санъати очаркан жамол
Жамолиддин Румий

Энг яхши ва энг муҳим неъмат тандурустлик ва энг
катта бойлик саломатликдир.

* * *

Халқ ичида мўътабар ҳеч нарса йўқ давлат каби,
Бўлмагай давлат жаҳонда бир нафас сиҳҳат каби.
Бадриддин Ҳилолий

Соғлом танда соғлом ақлу ҳур фикр,
Касалмандда қайдан бўлсин бу хислат.
Афсар Сабзаворий

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлан-
тирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу
ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмиш-
нинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одам-
лар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини
аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби ва бақувватлиги
билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта
тўй-томоша бериб, келин тушурдим.

Амир Темур

Оз гапирмоқ – ҳикматга сабаб,
Оз емоқ - соғлиққа сабаб.

Алишер Навоий

Кўрганмисан, табиб аччиқ дорини
Шакар билан ширин қилгани ҳамон,
Шундай ҳийла билан бемор таънидан
Барча касалликни қувади осон.

Абдурахмон Жомий

Кўз оғриқ бошланиб ўтса неча кун.
Сиххат оҳусини ушламоқ учун
Чархому моирон, Миср новвотин,
Кўзга сурт, янчигач бамисоли ун.
Юсуфий

Кимнинг ейиши оз бўлса, тани соғ бўлади, яъни оз еган одамдан саломатлик юз ўгирмайди. Кўп ейдиган киши касаликка кўп дучор бўлади. Бундан ташқари, овқатни кўп еган кишининг дил кўзи бекилади, тан мулки эса хароб бўлади.

Ҳазифа

“Сиххат-саломатлик бебаҳо бойлик”

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни “Сиххат-саломатлик”, тозалик, покизалик, орасталик, соғлик, табобат ва тиббиёт, шифобахш гиёҳлар ва неъматлар, турли касалликларнинг келиб чиқиши ва уни даволашга доир, дори-дармонлардан фойдаланиш, гиёҳвандлик, унинг салбий оқибатлари, СПИД, сил, тери-таносил касалликлари, атроф-муҳит, экологик ҳолатни яхшилаш ҳақида ёзилган асарларни, давлатимизнинг асосий қонуни ва қонун ҳужжатларида акс эттирилаётган саломатликка доир манбаларни изчил ўқишлари орқали қизиқишини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, махсус тиббиёт коллежи, лицей ўқувчилари, Олий ўқув юрти талабалари, аспирантлар, тиббиёт ходимлари, киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Сўнгра тузилган саволлардан айримлари танланиб, ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб

қўйилади. Ўз навбатида билимдонлар учун тайёрланган саволларга доир керакли адабиётлар ва вақтли матбуот саҳифаларида нашр этилган мақолалар тайёр туриши керак.

Беллашувга тайёрланиш жараёнида беллашув қатнашчилари, албатта ўша манбалар билан танишиб, уларни ўрганиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини мустақиллик йилларидаги қонун ва фармонлар, сиҳат-саломатлик ҳақида ёзилган асарларга, “Қуръони Карим”, “Авесто”, “Ҳадис”ларга, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар, табобат ва тиббиёт, табиблар, шифокорлар, шифобахш гиёҳлар ва неъматлар, турли хил касалликларни даволашга, дори-дармонлардан фойдаланиш ва бошқа инсон саломатлигига доир бўлган манбаларга қаратиш лозим.

Беллашув ташкил қилинадиган жойда албатта мавзунини ёритиб берувчи китоб кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Абу Бакр Робиъ ибн Аҳмад ал-Бухорий ким бўлган ва унинг қайси асарини биласиз?

(Абу Бакр Робиъ ибн Аҳмад ал-Бухорий юртимизнинг таниқли табибларидан бўлиб, у Розийнинг тиббий мактабида тарбияланган ва унинг машҳур шогирдлари қатори бўлган. Абу Бакр Робиънинг даврий тилда “Ҳидоят-ал муталлимин фит-тиб” (“Табобатни ўрганувчилар учун қўлланма”) номли китоби бор. Бу асарнинг 1085 йили кўчирилган нодир нусхаси Англиянинг Оксфорд шаҳрида сақланмоқда).

2. Абу Бакр Робиъ неча ёшида табиб бўлган ва қандай касалликларни даволаган?

(Табиб ва олим Абу Бакр Робиъ ўз асарида ўзининг ўттиз ёшида етук табиб бўлганини ва кўр кишиларни шах-

сан даволаб тузатганини ёзади. Шунингдек, у китобига ўзи ихтиро қилган ва тажрибадан ўтказган ўнга мураккаб дори нухасини, Қутруб (Хорез) касаллигини даволашда ишлатиладиган сигир шохидан ясалган асбоб ҳақида хикояни киритган).

3. Қайси муаллифнинг асари илк ўрта Марказий Осиё фан-маданияти тарихини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга?

(Абу Бакр Робиънинг “Ҳидоят” асарида ўша замон табобатининг деярли барча соҳалари қамраб олинган. Улуғ табибнинг асари эски форс-тожик тилида ёзилганига, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”дан олдин яратилганига қарамай, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб тиббиёт дарслиги сифатида хизмат қилиб келган ва илк ўрта аср Марказий Осиё фан-маданияти тарихини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга бўлган).

4. Қадимги юнон ва рим табибларидан кимларни биласиз?

(Қадимги юнон ва рим табибларидан: Букрот, яъни Гиппократ (асримиздан олдинги 460–355), Диоскорид (1 асрда яшаган), Жолинус, яъни Гален (129–200), Орибазий (325–402), Павел (615–690). Буларнинг араб тилига таржима қилинган асарлари бизгача ҳам етиб келган).

5. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари”да Ҳиндистон табибларидан кимни тилга олиб ўтган?

(Ҳиндистон табибларидан Кушон подшоси Канишка давлатида, яъни 1 асрда яшаган Чарака бир неча бор қайд қилинади).

6. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар ичидан етишиб чиққан тиб олимларидан кимларни учратамиз?

(Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар ичидан етишиб чиққан тиб олимларидан қуйидагиларнинг номини учратамиз:

Абу Журайж – тахминан VIII асрда яшаган насроний табибларидан.

Мосаржавайх – Умавийлар даврида Басрада яшаган табиб ва таржимон.

Масих ад-Димашқий – Ҳорун ар-Рашиднинг (786-809) шахсий табибларидан, “Куннош ал-кабир” номли катта асар муаллифи.

Ибн Мосавайх (777–857) – Эроннинг қадимги илмий марказларидан ҳисобланган. Жундишопурда туғилган, Бағдодда яшаган ва у ерда “Байт ал-ҳикма”да тиббий асарларни юнон тилидан сурёний ва араб тилларига таржима қилишни бошлаб берган олимлардан. У биринчилардан бўлиб, кўз касалликлари ҳақида илмий асар ёзган.

Собур ибн Саҳл (869 йилда вафот этган) – олдин Жундишопурда, кейин эса Бағдодда касалхонани бошқарган. Шарқда биринчи бўлиб катта фармакопеяни (“Китоб ал-акробдин ал-кабир”) яратган.

7. Абу Саҳл Масихий ким ва у ҳақида нималарни биласиз?

(Абу Саҳл Масихий Хоразм тиб илми мактабининг намояндаларидан бири. Масихий Бағдодда дастлабки таълимни олган ва кейин ўз малакасини ошириш учун Урганч шаҳрига келган. Бу ерда сарой табиби вазифасини бажарган ва “Маъмун Академияси”нинг фаолларидан бири бўлган. Ибн Сино Хоразмга кўчиб келгандан сўнг у билан жуда яқин алоқада бўлган. Ҳатто иккаласи касалхона ташкил этиб, жуда мураккаб жарроҳлик ишларини амалга оширганлар).

8. Абул Хайр Ҳамморнинг тиббиётга оид асарларини айтинг?

(Абул Хайр Ҳамморнинг “Табибларнинг билимини синаш”, “Одам аъзоларининг тузилиши”, “Тутқаноқ касаллиги ҳақида”, “Кекса одамларнинг овқати ҳақида” каби асарлари мавжуд).

9. Исмоил Журжоний ким ва унинг қандай асарларини биласиз?

(Исмоил Журжоний (Зайнуддин Абу Иброҳим ибн Ҳасан ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Ҳусайний ал-Журжоний) таниқли табиблардан бири бўлган. У беморлар касалини тезда аниқлашда ва даволашда машҳур бўлган. У Урганч шаҳридаги ўша даврнинг машҳур касалхонасига бошчилик қилган.

Унинг қаламига мансуб 22 та асаридан “Хоразмшоҳ хазинаси”, “Хасталикларни аниқлаш усуллари”, “Ибн Сино ҳақида сўз”, “Тиббиётнинг моҳияти”, “Дорилар хазинаси” китоблари жуда машҳур бўлган. Бу асарлар ўрта аср Шарқ табobati тараққиётига жуда катта хизмат қилган).

10. Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”га шарҳ боғлаган олимлардан кимларни биласиз?

(“Тиб қонунлари”га шарҳ боғлаган олимлар: Фахриддин Розий (XII аср), Муҳаммад Нахчивоний, Ибн ан-Нафис (XIII аср), Қутбиддин Шерозий (XIV аср), Абулло Оқсароий (XIV аср), Садидиддин Козаруний (XIV аср), Абдурахмон Мисрий (XIV аср), Ҳаким Али Жилоний (XVI аср), Исҳоқхон ибн Исмоилхон (XVIII аср), Ҳаким Шифоийхон ибн ҳаким Абдулшофиъхон (XIX аср).

11. Ибн Синонинг беш китобдан иборат “Тиб қонунлари” асарини ким ёд олган?

(Нури Козим ибн Баҳр суриялик туркманлардан бўлиб, Бухорода ҳам таҳсил олган. Нури Козим Шерғозихон мадрасасида ҳам илм ўрганади, ҳам туркман толибларига тариқат, араб тили ва дин фалсафасидан таълим беради. Нури Козим ўта кучли хотирага эга киши бўлиб, Ибн Синонинг беш китобдан иборат “Тиб қонунлари” асарини, деярли ёд олган. Маҳтумкули ва бошқа талабаларга тиб илмларидан сабоқ берган, мадрасада тиббиёт фанини тўла ўқитишни йўлга солган киши саналади).

12. Абу Райҳон Берунийнинг табобатга доир қандай асарини биласиз?

(Абу Райҳон Берунийнинг “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”и мавжуд. Бу асар “Сайдана” номи билан машҳур, унда Беруний Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларни тўла тавсифини беради, яъни Беруний Марказий Осиёда биринчи бўлиб дори-шуносликка бағишлаб “Китоб ас-сайдана фиттиб” рисола-сини ёзади).

13. Тарихий маълумотларга кўра “Маъмун академияси”да 20 нафар йирик олимдан 11 нафари бевосита тиббиёт билан шуғулланганлар дейилади, улардан кимларни биласиз?

(Академиянинг аъзоси, буюк олим Абу Али ибн Сино (980 – 1037), академиянинг энг кекса аъзоси, табиб, қомусий олим Абул-Хайр ибн Хаммор (912 – 1017 йиллар) ибн Синонинг устоди, улуғ олим ва табиб Абу Саҳл ал-Масиҳий, машҳур табиб Абу Абдуллоҳ Нотили Хоразмий, йирик тиббиётчи Муҳаммад Юсуф Хоразмий, кимёгар ва доришунос Абу Малик ас-Солих, Хоразмий-Косий, табиб Абу Содик Мута, машҳур медик олим Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий ва бошқалар бевосита шу академияда ишлаб, ўқитиб, илмий изланишлар олиб бориб, мамлакатда фан, маданиятнинг юқори чўққисига чиқишида ҳиссаларини кўшганлар).

